



## ЎХХ МУАССИСЛАР МАЖЛИСИНING БАЁНОТИ



даний жиҳатдан Ўзбекистонга кўшни бўлган давлатлар билан ҳудудий низоларга олиб келувчи мақолалар ва уларга жавоб сифатида кўшни давлатлардан ҳам айна моҳиятдаги мақолалар нашр қилинмоқда.

Бундай масъулиятсиз чиқишлар нафақат ҳудудий жиҳатдан кўшни, балки тарихий, маънавий ва маданий жиҳатдан ўзаро биродар бўлган халқларимиз ва давлатларимиз орасига раҳна солишга уриниш ўрнида кўрилиши керак.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) Ўрта Осиёдаги беш мустақил давлатларнинг тенг ҳуқуқлигини ҳурмат қиладиган, улар орасида ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорликни ва

ҳурматни, халқларимизнинг азалий қардошлигини ва дўстлигини мустаҳкамлайдиган сиёсий ва маданий қадамлар отилиши тарафдоридир.

Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий режим минтақада ўз нуфузини сақлаш учун

юқорида эътироф этилган провокация ва шантажни дастур қилганлиги халқимизга ва халқаро жамоатчилиқка яхши маълумдир. Бу услуб ўзбек халқи ва унинг манфаатларининг ҳимоячиси бўлмиш ватанпарвар кучлар, жумладан ўзбек муҳолифати тарафидан қораланиб келмоқда.

Биз минтақадаги кўшни давлатлар зиёлиларини ва тараққийпарвар кучларини ўзбек режимининг бундай провокацияларига учиб, халқларимизнинг қардошлигига зарар бермасликка чақирмиз.

**ЎХХ Муассислар Мажлиси**

Ўрта Осиё давлатлари орасида сиёсий вазиятнинг таранглашувига йўл қўйиб бўлмайди

Кейинги вақтларда асосан Ўзбекистондаги диктатура режими ва унинг махфий хизматлари нашри ҳисобланадиган оммавий ахборот воситаларида тарихий, миллий ва ма-

## ТОШКЕНТДА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРГА ИФТОРГА БОРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги давлат ташкилотлари мутасаддилари ўз ишчиларига Рамазон ойида ифторга бормаслик тўғрисида кўрсатма берди. Озодлик манбаларига кўра, ифторга борган ишчи МХХнинг “қора рўйхати”га киритилишидан огоҳлантирилмоқда.

### “Ифторга бормаيسان”

Бу ҳақда хабар қилган Озодликнинг Тошкентдаги манбасига кўра, банклар, солиқ инспекцияси, милиция, прокуратура, поликлиника каби давлат идоралари ходимлари ифторга бормасликдан огоҳлантирилган.

“Бугун мана Молия вазирлигига келдим. Бу ерда ҳам вазирлик ходимларига ифторга бормаслик айтилаётди. Ҳар бир ташкилотнинг хавфсизлик бўлимлари бунга масъул этиб тайинланган. Улар тегишли задание олишган. Ҳозир улар ифторга бормаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб бораёпти. Жуда қаттиқ қаралаётди”, деди манбамиз микрофонсиз суҳбатда.

Тошкентдаги Халқ банки бўлимларидан бирининг ходими раҳбариятдан ифторликка бормаслик тўғрисида буйруқ борлиги ва ходимлар ишдан кейин тўғри уйларига кетаётганини тасдиқлади.

- Бизда ҳам ҳеч ким ҳеч қаерга бормади. Ҳамма уй-уйига кетади. Унақа ифторлик бўладиган жойларга боришмайди. Кўрсатма берилган. Бизларнинг ўзимизнинг ички назорат ходимларимиз бор. Улар томонидан ҳам кўрсатмалар берилди. Ҳамма ходимларга айтилган.

Бизда унақа йиғилиб, олиб бориш йўқ, деди Халқ банкининг ўзини таништирмаган ходими.

Банк соҳасидан яхши хабардор бўлган Озодлик манбасига кўра, банклар ходимларининг ифторликка бормаслиги борасидаги кўрсатма Марказий банк томонидан оғзаки берилган.

“Бу юқоридан пастга қараб, кўрсатма берган. Марказий банк барча тижорат банклар раисларига ифтор борасида айтган. Раислар келиб, барча бўлим бошлиқларига топшириқ берган. Банк ишчилари эса бўлим бошлиқлари томонидан огоҳлантирилди”, деди банк соҳасидан хабардор манбамиз.

### “Ифторга борган МХХ рўйхатига тушади”

Тошкентдаги манбамизга кўра, давлат идоралари ходимлари агар ифторга борса, Миллий хавфсизлик хизмати назоратига тушишдан огоҳлантириляпти.

“Биринчидан, борилмасин деб айтаяпти. Иккинчидан, агар ифторга ёки жумага бораётган ишчи аниқланса, рўйхат тузилади. Шу тегишли идораларга исм-фамилияларинг кетади, деб кўркитишяпти. Шу МХХда сизларнинг отинглар рўйхатда туради дейишяпти. Бу барча давлат идораларида бўлаётган гап”, деди Озодлик манбаси.

### “Ифторга яшириниб бораёпмиз”

Озодликка гапирган тошкентлик солиқ инспекцияси ходими айрим ҳамкасблари билан ифторга яширин тарзда боришга тўғри келаётганини гапирди.



“Бизга ифторга бориш борасида унақа қаттиқ тайинланмади. Лекин раҳбарларимиз агар борманлар, билдирмасдан боринглар дейишди”, деди солиқчи йигит микрофонсиз суҳбатда.

Ўтган йили Ўзбекистонда ифторга бориш билан боғлиқ ҳеч қандай чеклов кузатилмаган.

Лекин ишчилар орасида тушлик пайти жума намозларига борувчилар кўпайгани учун, айрим давлат идоралари тушлик вақтини ўзгартириб, соат 12дан 13гача қилиб белгилагани хабар қилинди. (Аввал тушлик пайти соат 13:00-14:00 бўлган)

Мусулмонлар учун муқаддас ой — Рамазони шариф бошланиши арафасида Тошкент бозорларида савдо қилаётган хижобли аёллар ҳам, рўмоллари ечиш ёки расмийлар маъқул топган тарзда ўраш босими остида қолди. Акс ҳолда, улар савдо ўринларидан ажраб, бозорга қўйилмасликдан огоҳлантирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукуматининг мақтанишига сабаб бўлаётган “Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилиши шу номли футбол клубига янги офис ва машғулот майдонлари, футбол мухлисларига замонавий кўринишдаги стадион тўхфа этиш баробарида юқори мартабали амалдорларга катта пулларни ўзлаштириш имконини ҳам тўхфа этди. “Бунёдкор” қад ростлаши орқасидан энг кўп даромад олган амалдорлардан бири Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев бўлиб, ушбу мажмуа қурилишига ажратилган маблағлардан у тахминан 100-120 миллион доллар ўзлаштирган.

атрофидаги воқеалар, шу жумладан, унинг ташаббуси билан бошланган улкан қурилиш объектининг тақдири маҳаллий ва хорижий жамоатчилиқнинг диққат эътиборида эди.

2010 йил кузида Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов “Бунёдкор” спорт мажмуасидаги қурилиш ишларини республика ҳукумати ва шахсан Бош вазир Шавкат Мирзиёев зиммасига юкледи. Нега президент масъулиятни шахсан Мирзиёевга юкледи? Мирзиёев Бош вазир бўлгани учунгинами? Йўқ. Бу қарорга келишда президент Каримов Бош вазирнинг бошқа “иктидори”ни эътиборга олди.



## МИРЗИЁЕВ “БУНЁДКОР” ҚУРИЛИШИДАН ҚАНЧА “ИШЛАГАН”?

### Бош вазирми ёки Бош товламачими?

Маълум-ки, мажмуа қурилиши ташаббуси дастлаб “Зеромакс” компанияси раҳбари Миродил Жалоловдан чиққан бўлиб, ушбу иншоотнинг лойиҳаси ҳамда пойдевори айнан мазкур ширкат маблағлари эвазига ишлаб чиқилганди ва қурилганди. “Бунёдкор” спорт мажмуасининг дастлабки, яъни “Зеромакс” буюртмасига кўра тузилган смета-лойиҳасига кўра, иншоот 150 миллион долларга қуриб битказилиши кўзда тутилганди.

Дастлабки лойиҳа ва пудрат шартномаларига кўра, “Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилиши Германиянинг KNG ширкатига юклатилиб, мажмуа ҳудудида футбол стадиони ва машғулот майдонлари, футбол академияси ва автотураргоҳлардан ташқари, “Бунёдкор” футболчилари учун тўрт юлдузли меҳмонхона ва спорт-соғломлаштириш маркази барпо этилиши режалаштирилганди. Бундан ташқари, стадионнинг том қисми Германияда ишлаб чиқарилган автоматик ёпиладиган механизм билан жиҳозланиши, стадион остида эса VIP ва SIP секторларга билет олган мухлисларнинг автомобиллари учун VIP-автотураргоҳ қурилиши кўзда тутилганди.

Лекин “Зеромакс” раҳбарияти томонидан илгари сурилган бу ғоя ва ташаббусларнинг баъзилари қоғозларда лойиҳалигича қолиб кетди. Чунки Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2010 йил бошида “Зеромакс”га қарши бошланган текширувлар натижасида мазкур ширкат нафақат “Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилишини, балки ўз фаолиятини ҳам тўхтатишга мажбур бўлди. Натижада қурилиш бош пудратчиси “KNG” компаниясининг ҳам “Зеромакс” билан тузган шартномасини бекор қилишдан бошқа чораси қолмади.

Юзага келган вазиятда Ўзбекистон ҳукумати тўхтаб қолган қурилиш ишларини якунига етказмасдан иложи йўқ эди. Чунки, бир томондан, янги стадион эски “МХСК” спорт мажмуаси ўрнида қурилади бошлаганди. Яъни эски стадион бузилиб, янгиси қурилмаганди. Иккинчидан, “Зеромакс” компанияси

Гап шундаки, Мирзиёев маблағсизлик туфайли тугалланмай қолган иншоотларни қуриб битказишда, анкироғи, “давлат аҳамиятидаги” қурилишлар учун тадбиркор ва фермерлардан мажбурлаб маблағ ундиришда устаси фаранг амалдорлардан ҳисобланади.

“Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилишини якунига етказиш учун аввало маблағ топиш керак эди. Объект қурилишига давлат бюджетидан пул ажратилмаслиги олдиндан аён эди. Иншоотни хусусий фирма ва компанияларнинг “ихтиёрий” тўловлари эвазига битказишдан бошқа чора йўқ эди. Ва бу вазиятда Мирзиёевга ва унинг бешафқатлигига талаб пайдо бўлди.

### Бешафқат Шавкат – доим талабда!

Энди бошланган, аммо маблағсиз қолган улкан қурилишни битказишни ўз зиммасига олган Шавкат Мирзиёев ишни смета-лойиҳасининг қийматини кўтаришдан бошлади. Дастлаб 150 миллион доллар деб баҳоланган ва қурилиш бошланиши билан буюртмачисиз, пудратчисиз ҳамда маблағсиз қолган объектнинг қиймати Бош вазирнинг ташаббуси билан бирданга 250 миллион доллар қилиб қайта белгиланди. Яъни лойиҳа қиймати дастлабкисидан 100 миллион доллар кўп қилиб белгиланди.

Иншоотни қуриб битказиш ишларини Шавкат Мирзиёев икки йўналишда — хусусий фирма ва компаниялардан, бир томондан, маблағ ундириш, иккинчи томондан эса, қурилиш материаллари (цемент, тош, арматура ва ҳоказо) ундириш йўналишларида олиб борди. Бунинг натижасида баъзи тадбиркорлар ушбу стадион қурилишига ҳам маблағ, ҳам қурилиш материаллари етказиб беришга мажбур бўлишди. Ҳисоб рақамида маблағ кам бўлган фирмалар эса “Бунёдкор” қурилишига ўз оморларидаги цемент, арматура, шағалтош, алебастр ва бошқа материалларни таслим этишга зўрландилар.

2011 йил бошида Тошкентнинг Ўрикзор даҳасидаги темир бозорида

фаолият юритган баъзи тадбиркорлар савдога олиб чиқилган мол-мулкдан бир куннинг ўзида ажралишди: юзларига қора никоблар тақиб олган ва Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг буйруғи билан бозорга бостириб қирган ҳарбийлар тадбиркорларга тегишли ҳамма темир-терсақни машиналарга юклаб, “Бунёдкор” стадиони қурилатган ҳудудга олиб кетишди. Темир савдосидаги фаолиятини катта қарзлар эвазига бошлаган баъзи тадбиркорлар талончилик натижасида ўз жонларига қасд қилишди. Бошқалари эса қарзларидан уй-жойларини сотиб кутулишди.

Шу тариқа “Бунёдкор” спорт мажмуаси расман 250 миллион доллар, амалда эса икки баравар кам пул ва мисли кўрилмаган талончилик ҳамда адолатсизлик эвазига қуриб битказилди. “Бунёдкор”га ташриф буюрган ҳар қандай одам мажмуа қурилишига амалда 250 миллион эмас, нари борса 100-120 миллион доллар сарфланганини дарров пайқайди.

Чунки мажмуанинг дастлабки лойиҳасида кўзда тутилган “Бунёдкор” футболчилари учун тўрт юлдузли меҳмонхона ва спорт-соғломлаштириш маркази қурилмаган, стадион остида бўлиши лозим бўлган VIP-автотураргоҳ ҳам йўқ. Бундан ташқари, стадионнинг томи автоматик ёпиладиган механизм билан жиҳозланмаган. Миродил Жалолов томонидан атиги 150 миллион долларлик лойиҳага қиритилган объектларга Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган 250 миллион долларлик лойиҳадан жой топилмади.

“Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилишида бош пудратчи бўлган “Trest-12” компанияси мутахассисларининг айтишича, мажмуа қурилишига амалда тахминан 100-120 миллион доллар сарфланган. “Қолган 120-130 миллион доллар шахсан Бош вазир Шавкат Мирзиёев томонидан ўзлаштирилди. 20-30 миллион долларлик маблағ трестимиз раҳбарлари томонидан ўмарилди”, — дейди

(Давоми кейинги саҳифада)

## МИРЗИЁЕВ “БУНЁДКОР” ҚУРИЛИШИДАН ҚАНЧА “ИШЛАГАН”?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)  
“Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилишида иштиро қилган муҳандис.

Унинг айтишича, “Бунёдкор” стадиони қурилишида янги темир конструкциялари ўрнига эски метал буюмлари ҳам ишлатилган.

“Масалан, стадионнинг Бунёдкор шоҳ кўчаси тарафидаги зиналарга, яъни амалдорлар кириб келадиган тарафдаги зиналарга лойихада кўрсатилган алюмин конструкцияли зинапоярлар ўрнатилган. Аммо стадионнинг Чилонзор кўчаси тарафидаги зиналарга эски автобуслардан ечиб олинган темир зинапоярлар ҳамда Тошкентнинг Янгиобод бозоридан келтирилган эски метал “япроклар” ишлатилган”, — дейди “Trest-12” компанияси муҳандиси.

Унинг сўзларига кўра, стадион хоналарининг жиҳозланиши ҳам ўлда-чўлда қабилида амалга оширилган.

“Биздаги лойиҳаларда стадиондаги офисларнинг хоналари ўта киммат гулқоғоз ва ускуналар билан жиҳозланиши кўзда тутилганди. Лекин амалда биз хоналарни энг арзон гулқоғозлар билан, эски совет услубидаги энг арзон дизайнда жиҳозладик”, — дейди

“Бунёдкор” спорт мажмуаси қурилишидаги ўғирлик ва қаллобликларда иштирок қилган қурувчи-муҳандис.

## Қарғишга қолган Мирзиёев ва “Бунёдкор” стадиони

Очикдан-очик талончилик, кишиларнинг ҳаққи ва адолатсизлик эвазига қуриб битказилган стадион ва бу ишларга бош-қош бўлган Шавкат Мирзиёев кўплаб тадбиркорларнинг қарғишига қолишган. Қарғиш олган Бош вазирнинг ишлари ҳамон рисоладагидек кетмоқда. Лекин қарғишга қолган “Бунёдкор” стадионининг ишлари рисоладагидек эмас. Стадион майдонининг чими ўта ёмонлиги боис алмаштирила бошланди. Бундан ташқари, бу ерда қозонилган ғалабалар на “Бунёдкор”га, на Ўзбекистон миллий терма жамоасига ва на футбол муҳлисларига тағимаяпти. Чунки янги стадионга кўчиб ўтган футбол клуби Осиё чемпионлари лигасидан аввалгиларга қараганда барвақт чиқиб кетган бўлса, Бразилия-2014 учун қурашаётган ва охириги ўйинларини қарғишга қолган стадионда ўтказган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг куни плей-офф мусобақаларига қолди.

Қарғиш олган стадионда фақат президентнинг тўнғич қизи Гулнора Каримованинг хайрия-шоу тадбирлари яхши ўтказилди. Бошқача қилиб айтганда, қарғиш олган “Бунёдкор”да фақат қарғишга қолган кимсаларнинг ишлари юришмоқда.

Саид АХРОРОВ

## ГАП ДҲППИДАМИ Ё САЛЛАДА?

Сўнги пайтларда халқнинг сиёсатга бефарқ бўлиб қолаётганига ягона сабаб — унинг диндорлиги, қабилидаги гап-сўзлар кўпайиб кетди. Бундай гаплар шундай қарорли равишда ва шу қадар кўп тақорланаяптики, ўлкамиздаги ахволдан хабари бўлмаган одам, «бу мамлакат роса сиёсатчиларга тўла экан-у, шу қолақ диндорларгина кўпчиликдан ажралиб, худбинларча ўз икбир-чикирлари билан овора бўлиб ётган экан», деган фикрга келиши аниқ.

Масжидга бориш билан «сиёсийлашув»нинг бир-бирига тескари пропорционал эканлиги ҳақда ўзбеклар ичида кенг тарқалган фикр — янглишдир. Ўз маишатидан, ҳузуридан бошқа нарсани ўйламайдиган «секуляри», «лойик», «дунёвий» бир ароқхўрнинг ва ёки майиший бузук бир ижтимоий паразитнинг (улар жамият тараққиёти учун ҳеч нарса қилмайдилар) масжидга қатнайидиган бир одамдан кўра кўпроқ «сиёсийлашган» бўлиши ҳақидаги фараз ва тахминлар қулгулидир. «Халқ жомага қатнагани учун сиёсатдан узок» деган алмисокдан қолган тушунча, «дин афюндир», деган марксистик ақида хали-бери ўзбекларнинг миясидан чиқадиган кўринмаяпти.

Аполитизм фақат диндорларга эмас (зотан, диндорлар аҳолининг жуда оз қисмини ташкил қилади) бутун жамиятимизга теккан хасталиқдир. Ўзбекистонда биронта сиёсийлашган сиёсий арбобни, сиёсийлашган зиёлини, сиёсийлашган тадбиркорни ва ёки бошқа бир касб эгасини топиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шундай экан, ҳатто «сиёсатчилар»нинг ўзи ҳам сиёсатдан ташқари бўлган бир жамиятда моҳиятан доим сиёсатдан бир оз узок бўлиши керак бўлган динни ва диндорларни айблайверишда бир мантик борми?

Албатта, диндорлар ўз сиёсий пассивлигини диний ақидалар билан оқлаши мумкин, аммо бу — динга, диндорликка қарши қурашишга сабаб бўлмайди. Агар бу нарса шунга сабаб бўлса, худди шундай шаклда «ўз бола-чақасининг тинчлигини ўйлаб», сиёсатга аралашмаётган қосибнинг, деҳқоннинг, зиёлининг, ишбилармоннинг ва ҳатто давлат мансабдорининг ва ёки бошқа касб эгаларининг ҳам сиёсий фаол бўлишига ҳалал бераётган нарсага, яъний, уларнинг «бола-чақаси»га қарши ҳам тарғибот олиб боришга тўғри келади.

Умуман олганда эса, «сиёсатга аралашмай турган» диндорни худди шундай сиёсий пассив вазиятдаги қосиб, деҳқон, зиёли ва ҳатто давлатнинг «йирик сиёсий арбоблари»дан кўра анча сиёсий фаолроқ дейиш мумкин. Юқорида зикр этилган касб эгаларидан фарқли ўларок, диндорнинг жамиятга нисбатан тутган «позицияси» ва дунёқараши бор ва уни жиддий олмаслик мумкин эмас. Хуллас, муаммолар ҳақида гапиришдан олдин ҳар ким аввало, ўз дўпписини хонтахтага қўйиб, муаммоларнинг илдизлари ҳақида бир оз мулоҳаза юритгани ва шундан кейингина уни бошқалар билан баҳам кўргани маъқул.

Мақсуд Бекжон

## “ДАНГАСАЛАРНИНГ” ПЕШОНАЛАРИДАН ОТИШДИ ВА ЖАСАДЛАРИНИ ЁҚИБ ЮБОРИШДИ



Президент Каримов “дангаса” деб атаган Русиядаги ўзбек муҳожирларидан яна учтаси фожеавий шаклда ҳалок бўлишди. Тегишли хабарда айтилишича (fergananews.com), 1983, 1989 ва 1972 йилларда туғилган Ўзбекистоннинг уч фуқаросининг (ҳозирча уларнинг исми шарифлари айтилмаган) куйиб кетган жасадлари Краснодар вилояти, Крим райони Нижне-Ба-

канская станцияси яқинларида топилган. ST Ўзбекистонлик бу уч йигит Нижне-Баканскойда рўйхатдан ўтганлар ва ижара ишларида ишлаганлар. Шу йилнинг 24 июнь куни улар «Текила-бум» кафесида ўтирганларида маҳаллий ёшлар билан ораларида низо чиққан. Кейинчалик маҳаллий рус ёшлари уларнинг қўл оёғини боғлаб, пешонларидан отиб ташлаганлар ва жасадларини ёқиб юборганлар...

Бечора ўзбек халқининг ҳақиқатан ҳам уйи куйди. Хорижда ишлайдиган “дангаса” болаларини рус миллатчилари хўрламоқдалар, ўлдирмоқдалар, ва жасадларини ёқмоқдалар. Ўзбекистондагиларни эса диктатор Каримов режимини террор қилмоқда. Бундай ваҳшийлик қачонгача давом этар экан?

ЎХХ Ахборот Маркази

**Диктатурага мухолиф ҳамда адолат қарор топиши тарафдорларига!**

Мақоламизнинг бундай номланиши бир инсоннинг эмас, барчамизнинг мухолиф фикрловчиларни йиғишда ҳиссамиз юксак эканини билдиради. Мухолиф фикрлиларни жамлаш борасида олиб борилган баъзи ишларни айтиб ўтсак. Биринчи навбатда, одамлар орасида вазият ва атрофни инобатга олган ҳолатда одамларга сиёсат ҳақида, бўлаётган зулм ҳақида гапира бошлаш керак, албатта, шунда сизга ҳамфикрлар топилади.

**МУХОЛИФ ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ БИЗ БИРЛАШТИРАМИЗ!**

Ҳамиша яқин дўстларингиз билан жам бўлганингизда, бўлаётган адолатсизликлар ҳақида гап қўшиб туриш, улар аста секин сиз билан ҳамфикр бўла бошлашади. Аввало, одамларнинг аксари мухолифдир, фақат уларга мухолиф дардкаш йўқ, сиз ўша дардкаш бўлинг. Юртдошларимизни бизга айтган гапларини қисқарттириб сизларга ёзмокдамиз.

**1- мухолиф ҳамюртимиз:** Мен олдинлари сиёсатдан қочардим, сиёсат ҳақида гапиргани кўрқардим худди мени хозир қамаб қўйишадигандек. Аммо вақт мени кўзларимни очди, адолат учун курашиш кераклигини ўргатти. Тез орада менда зулмга қарши мухолифлик кайфияти юзага кела бошлади. Аста секинлик билан жамиятдаги ноҳақлик ҳамда адолатсизликнинг негизи хозирги тузум эканини тушундим. Эҳтиёткорлик билан фикрларимни баён этишни бошладим, диктатурага нисбатан кўрқувим сўна бошлади.

Олдинга фақат ишонган баъзи дўстларим билангина бу ҳақда фикр билдирардим. Кейинчалик мухолифлигимни йиғинларимизда айта бошладим. Одамларни реакцияси менга маълум, мен қачонки Каримов ҳақида сўз олиб борсам, улар дарров кўрқувни хис этишди ва мавзуни ўзгартиришади.

Аммо ўша кўрқув ортидан барибир уларга мухолифлигимни юқтирдим. Вақт ўтиб менга ҳамфикрлар кўпая бошлади. Ҳар йиғилишда сиёсатимиз ҳақида албатта битта масала кўрилмасдан иложи йўқ энди.

**2-мухолиф ҳамюртимиз:** Мухолифлик — адолатнинг зулмга қарши нафрати ва кураши, деб ҳисоблайман. Мен ёшлигимдан Каримовнинг кўп қаттоллигини кўрдим ва бу ишларни оддий гувоҳи бўлиб қолишни истамайман. Мен одамлар билан бемалол сиёсатни муҳокама қилавераман, менга ўхшаганлар кўпайсин дейман. Мени шундай одатим бор, кўчада, жамоат транспортларида, тўйларда, бирорта нотаниш билан суҳбатлашиб қолганимда мен Каримовнинг «яxши» гина тарбиясидан ва сиёсатининг «тоза» лигидан гап бошлайвераман. Одамларнинг деярли жуда кўпчилиги мухолиф фақат кўрқийди. Аммо натижа бор, менга доим ҳамфикр топилади.

**3-мухолиф ҳамюртимиз:** Каримовни жуда қаттиқ танқид этаман, унинг диктатураси мен билган жуда кўп оилаларнинг шўрини куриган, шахсан мен ҳам кўп марта жабр кўрганман ва кўриб келаман. Мен ёлғиз мухолиф эмаслигимни биламан, шунинг учун мухолифларни топишга уринаман ёки бошқаларда мухолифликни уйғотаман. Уйғотаман дейишимга сабаб шуки мухолифлик ҳаммада бор фақат уни бирор туртки билан уйғотиш керак, холос. Улар ҳам атрофда мухолифларни хис этишса албатта уйғонишади.



**4-мухолиф ҳамюртимиз:** Одамлар тўйган бу қонхўрдан. Одамларимизда яшаб тирик қолиш инстинкти мавжуд аммо курашиш, жон фидо қилиш, адолат талаб қилиш инстинклари йўқ, топган гапини қаранглар «ўзбекман ўзимга бекман». Тавба ана битта зolim сенларни қулга айлантириб динингни ҳам таҳқирлаб, аёлларингни бошидан рўмолини олиб ташлаптику, ўзларингни бошларингдан ҳам дўппингни олаптику, хўш бошидан дўпписи олинган ўзбек ўзига бек бўладими? Ҳайрон қоламанди буларга.

**5-мухолиф ҳамюртимиз:** Ёшим 24 да нима иш бўлса қилаверадиган ишчиман. Ҳаромдан мутлақ ҳазар қиламан. Ана ўша ҳаромхўрликлар туфайли олий маълумотли бўлишни ҳам истамаганман. Ишсизларни бу Каримов сиёсатидан қандай азобда қолишларини сизлар билмайсизлар, биз эса биламиз. Бу давлатни қанча ерига умид билан иш излаб, иш сўраб борамиз бефойда. Олий маълумотлиларни ҳам қанчаси мана юрибди биз билан мардикор бўлиб. Бу давлат ғамхўрлик нима эканини билмайди. Мен ҳам мухолифман, агар қўзғолон бошланса ҳамма атрофимдагилар жон деб чиқишади.

**6-мухолиф ҳамюртимиз:** Дўстларим кўп, ҳаммалари инсофли намозхон болалар. Мен олдинлари сиёсатдан йироқ бўлганман. ЎХХ га аъзо бўлиб сиёсатимизни ўргана бошладим. Қанча тушунганим сайин Каримовдан ва унинг сиёсатидан шунча нафратим оша бошлади. Мен дўстларим орасида ташвиқот бошладим, ЎХХ ни таништирдим, Каримовга қарши кайфиятни уйғота бошладим. Улар мендан бошида

хадиксирашди лекин вақт ўтгани сайин баъзи бирлари мендан хуфёна бир нарсаларни сўрай бошлашди, кейин эса уларни сони кўпайиб қолди. Мен уларга иложи борича аниқ маълумот етказаман шунинг учун энди улар хар хил миш мишларга ишонишмайди мендан сўрашади. Бора бора мана хозир бир ўй дўстлар сиёсат ҳақида гаплашамиз. Бир биримизни маълумот билан сийлаймиз, нима янгилик бўлса баҳам кўраемиз.

**7-мухолиф ҳамюртимиз:** Мен билан танишларим эҳтиёт бўлиб гаплашадиган бўлиб қолишган, сабаби мен

ашаддий мухолифман Каримов диктатурасига. Кўп ерда мени гапиртирмасликка ҳаракат қилишади аммо бари бекор, мен уларни гапиртирвораман. Ҳаммалари билишади мен ҳақиқатни айтишимни аммо кўрқийди. Мен барибир ўз ҳамфикрлар дўстларимга эгаман. Ҳеч қутмаган кўрқок биродарларим биринчилардан бўлиб менга ҳамфикр бўлишди. Улар менга Каримовнинг шарлатан эканини исботловчи видео тасвирларидан кўрсатишимни илтимос қилишади, мен эринмай кўрсатиб кўзларини очиб қўяман. Базида 5-6 киши

алоҳида ерга бориб олиб роса сиёсат ҳақида суҳбатлашамиз.

**8-мухолиф ҳамюртимиз:** Одамларга бекорлик одатий ҳол, уларга бўлаётган ишларни етказишни маъқул кўраман. Масалан мендан кўпичча сўрашади сиёсатнинг ёлғонлари тўғрисида. Мен «Фонд форум» ва унинг раҳбари ким эканини, диндорлар нега босим остида эканини, МХХ нега бунчалар одамларнинг ички кийимига аяралишини ва бошқа нарсалар ҳақида тушунтириб бераман уларга. Одамларни кўпчилиги диктатура билан демократияни фарқига боришмайди. Эркинлик билан озодлик аслида қандай бўлишини хис этишмайди. Мен кўпчиликнинг фикрини ўзгартириб қўяман, кейин худди олдин уйқуда юриб энди уйғониб кўп нарсаларни тушуниб қолганини айташади. Каримов ҳам мана шу баъзи нарсаларни одамлар тушуниб қолишдан, уйғонишдан кўрққани учун сиёсатини доим беркитади, унга қизиканларни йўқ қилади. Мана шу ерда биз ўзимизга савол бермаймизда «Каримов сиёсатни адолатли бошқараётган бўлса нега биздан яширади?» деб, чунки жавоб оддий: Каримов сиёсати Диктатурадир.

**Азиз ўқувчилар!** «Адолатга бир қадам» ижодий гуруҳимиз фаоллари бу мақолани тўғридан тўғри жамиятимиздаги фуқаролар билан ҳамсуҳбатлик чоғида йиғиб ёздик, албата бизнинг гуруҳимиз бир неча ёшлардан ташкил топган ва биз Халқ ичра етиб улардан эшитганларимизни сизларга етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Сизлардан ҳам адолат қарор топиши учун ўз ҳиссаларингизни қўшишларингизни илтимос қилиб қоламиз.

**«Адолатга бир қадам» гуруҳи**

## ‘ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВ УЗР СЎРАСИН’



Талабномага кўра, мамлакатга миллиардлаб пул келтираётган мардикорларни президент «дангаса» деб, Ўзбекистондаги 30 миллионли халқ кўз ўнгида ҳақорат қилган.

Президентга қаратилган мактубга имзо чеккан 51 нафар мурожаатчи «бу ўз халқини севмайдиган президентнинг» гапидир, деган фикрда.

Президент Каримов май ойида Жиззахдаги фермерлар билан учрашаркан, Россияда кўча супураётган ўзбекларни «дангаса» деб атаган ва улардан жирканишини билдирганди.

Мурожаатчиларга кўра, мамлакат ичкариси ва ташқарисида ишлаётган кўп миллионли мардикорларни «дангаса», деб бўлмади.

Мурожаатчилардан бири, сурхондарёлик Фахриддин Тиллаевнинг айтишича, улар Тошкентдаги 18та мардикор бозорига бориб, кунбай ишчилар билан гаплашишган.

«Мактубга имзо чекканлар орасида мардикорлар кўп» — дейди Фахриддин Тиллаев Би-би-си билан суҳбатда — «Аммо Ички ишлар вакиллари мардикорлар билан гаплашиб, рўйхатни янада кенгайтиришимизга йўл қўйишмади». Аммо Ислом Каримов Россия кўчаларини супурадиган ўзбекларни «дангаса» деб атаган ва президентнинг гапи Ўзбекистон ичкарисидаги мардикорларга қаратилмаганди. «Бизнинг назаримизда президент бу билан барча мардикорларни «дангаса» деб атади ва шу боис омма олдида кечирим сўрасин» — дейди Фахриддин Тиллаев.

### Хўрланган ва ҳақоратланган

«Мустақил Мардикорлар» касабаси ўзбекистондаги ишсизлик ва паст маошлар боис юрт ичи ҳамда ташқарисида турли юмушларни бажариб, пул топаётган ўзбекистонликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган. Бироқ ушбу касабаси ўзбекистон ҳуқуқлари расман рўйхатга олмаган. Уюшма аъзолари ўзларига нисбатан босимлар ўтказилганини айтишди.

Ўзбекистон ҳуқуқларининг жадал иктисодий ўсиш ва минг-минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани ҳақидаги даъволарига қарамай, миллионлаб ўзбеклар оила боқиш учун Россия ёки Қозғистонга иш излаб кетганлар.

Четга кетишги имкони йўқлар эса катта

шаҳарларга келиб, мардикорлик билан шуғулланишади.

Совет даврида баъзи талабалар кўшимча пул ишлайдиган Тошкентдаги мардикор бозори бугун ягона эмас. Пойтахтнинг турли гўшаларида йигирмага яқин шу каби бозорлар пайдо бўлган.

Сўнгги йиллари эса нафақат эркалар, балки аёллар ҳам мардикорлик қилишмоқда.

Аммо бу аҳволда ишлаш мардикорларнинг ҳуқуқлари топталишига, ёллаган одам қўлида камситилиши ва ё ҳатто таҳқирланишига ҳам йўл очиши мумкин.

Ўзбекистон ҳуқуқ тартибот идоралари эса ушбу қатламни муҳофаза этиш ўрнига уларни таъқиб этиш, қувлаш ва жазолаш билан шуғулланади.

Ҳуқуқат эса бундайин мардикорлар қатлами борлигини тан олишни истамайди ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлида на дастур, на режага эга.

«Мустақил Мардикорлар» касабаси эса худди шу қатламга ёрдам бериш, уларнинг ишлаш ёки қариганда нафақа олиш ҳуқуқларини таъминлашни мақсад қилади.

Аммо фаолларнинг айтишича, кўчаларда ишловчи бу каби инсонларни «дангаса» деб атаган Ўзбекистон президенти ўзининг энг қашшоқ, энг ҳимоясиз ва энг ёрдамга муҳтож фуқароларига қандай муносабатда эканини намояндалар.

[bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

## НОДИР АХАТОВНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК!

15 июль кунда Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг Қаршишаҳар бўлими раиси Нодир Ахатовнинг хабар беришича, унинг уйи атрофида ҳамда унинг ўзига нисбатан ғалати воқеалар содир бўла бошлаган. Аввал телефон орқали боғланиб, сўнг Нодир Ахатовни уйига ташриф буюрдим. Воқеаларни бошидан гапириб беришларини сўрадим.

Нодир Ахатовнинг сўзларига кўра, уйига яқин жойда жойлашган бозорчадан қайта туриб йўлда маҳалла кўмитасининг собиқ раиси, Камол исмли шахсни учратиб қолади.

“3 дона тухум сотиб олган эдим, шуни кўлимда кўтариб олиб келаётгандим, дабдурустан Камол ака кўлимда турган тухумни биттасини олди.”- дейди Нодир Ахатов. “Бу учта тухум сенинг гавданга етади-ми?” – деган саволни ҳам ташлаган маҳалланинг собиқ оқсоқоли.

Шу тобда қўлида ўшлаб турган бир дона тухумни қисиб синдирибдию, Нодир аканинг кўлига тутқазибди. Нодир Ахатов эса бунда қандайдир провокацияни ҳиди анқиб турганини дарҳол фаҳмлаган ва пом-

лим демай жуфтасини ростлабди. Уша ҳудудда яшовчи Нодир Ахатовни яқиндан танийдиган танишлари эса 591 ҒА рақамли Нексия русумли машина сира кўчасида кетмаётганлигидан огоҳлантиришибди. Режим ҳуқуқ фаоли бўлган Нодир Ахатовга нисбатан қандайдир фитна уюштириш ниятидами?

Масалан, қасддан жанжал чиқариб сўнгра ҳуқуқбонга нисбатан жиноят иши қўзғатиш.

Албатта мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, бу сценарийни саҳналаштирилишига собиқ маҳалла оқсоқоли таклиф этилганга ҳам ўхшаб кетади. Нодир Ахатовнинг қўлидаги тухумда нима айб эдики, у Камол аканинг ғашига “тегади” ва уни синдиради? Агар бу киши инсон эмас, хўроз бўлганда, унда балки тушунган ҳам бўлардим. Бундай жониворнинг миясида ақл нима қилсин деб қўя қолардик.

Эсингизда бўлса 2 июль кунда Тошкентдан Қаршига қайтиб келганимиздан сўнг олти кишидан иборат махсус гуруҳ Нодир Ахатовни машинадан тушириб олиб, худди ўтин юклагандек қилиб машинага ортган-

ча Қарши шаҳар ИИБ сига олиб боришганди. Унга қийноқ қўлланилиб, роса дўппосланганди ҳам.

Бу борада ўз вақтида хабар ҳам тарқатдик. Уша кунда уни коптоқдек тепанлари кам бўлса керак, энди бу сафар бокс халтага айлантиришмоқчимиз? Балки шунақа ниятлари ҳам бордир. Ҳар қалай, орган ходимларининг ниятлари яхши эмаслиги қандай равшан. Огоҳ бўлинглар, режим Нодир Ахатовга нисбатан ими-жимига бирор фитна уюштириб юбориши мумкин.

Ўзбекистон ичкарисида бармоқ билан санарлик даражада ҳуқуқ фаоллари мавжуд. Халқаро Инсон Ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан ва Ўзбекистон ичкарисидаги консуллардан Нодир Ахатов масаласига бефарқ

бўлмасликка чақираман.

Акс холда яна битта ҳуқуқ фаолимиздан ажралиб қолишимиз мумкин. Ҳуқуқатнинг “мясоробкаси” син-маса ёки бузилмаса, ҳуқуқ фаоллари, мустақил журналистлар, мухолифат фаоллари эркин нафас олишлари

даргумондир. Нодир Ахатовни ҳимоя қилайлик!

Гулшан Қораева

Ўзбекистондан олинган хабарга кўра (centrasia.ru), Ташқи Ишлар Вазири ўринбосари Владимир Норов ўз вазифасидан бўшатишган.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Банкининг Раиси Муллажонов команда ётганлиги айтилмоқда... **POKLON**

Яъни, Ислон Каримовнинг кадрлари бирини -кегин ўринларидан силжишмоқда ва уларнинг ўрнини Гулнора Каримованинг кадрлари эгаллаши кутилмоқда.

Доно "Ўзбекбоши" бу билан ўзича катта режани йўлга қўймоқда ва эркатой кизи учун тахтнинг йўлини аста -секинлик билан тозалашга ўтганга ўхшайди.

Демак, янги команда, яъни Гулноранинг командаси учун янги югурдак кадрлар гуруҳи ҳозирланади.

МХХ раиси Рустам Иноятовнинг соғлиги ёмонлиги ҳақида бот- бот хабарлар тарқатилмоқда. Бунинг маъноси унга ҳам Гулноранинг командасида ўрин йўқ дегани...

Бош Вазир Шавкат Мирзиёев асосий вазифаларни бажаришдан "изоляция" қилинган.

## ЯНГИ ЮГУРДАК КАДРЛАР



Унга ҳам Ота ва кизи яқинда "бай бай", дейишлари мумкин.

Бош Вазир ўрнибосари Рустам Аъзимовнинг чет давлатларда 4 миллиард доллар пули бор экан. Бу ҳол оддий "бай бай" билан тугамайди демак. Аввал бу пуллар Гулноранинг ҳисобига ўтказилади ва кейин Азимов суд курсисига ўтказилади.

Бош Прокурор Рашидjon Қодиров ҳам қонунни ҳимоя қилиб эмас, қонунбузарлик йўли билан катта бойликларни қўлга киритган. Демак, унинг ўрнига тайинланадиган янги Бош Прокурор ишни эски Бош Прокурорни қўлга олиш билан бошлайди..

2014 йилда Парламент сайловлари бўлади. Депутатлар ва сенаторларнинг асосий қисми алмаштирилиши мумкин бу сайловларда. Гулноранинг югурдак кадрлари кимлар бўлишини янги депутатлар ва сенаторлар орасидан излаш керак бўлади.

Вилоят ҳокимларичи дейсизми? Улар зотан аҳамиятсиз, исталган пайтда алмаштириш мумкин бўлган "пешкалардир". Бу айтилганлардан, тамом иш битибди, энди Гулнорани янги Президент, дея табрикласак ҳам бўлаверар эканда, деманг... Чунки булар Диктатор Ота ва унинг кизининг режаларидир. Аммо эртанги куннинг уларнинг режаларини чипакка чиқариш эҳтимоли албатта бордир...

**Фурқатбек**

## МХХ ЖОСУСЛАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ ФОШ ЭТДИ!

Биз яқинда Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги имом Ал-Бухорий ёдгорлик масжид мажмуасига зиёратга борган эдик. Йўл-йўллакай киракашлардан бири (илтимосига биноан исми ўзгартирилди) Исмаат ака, бизга куйидаги воқеани сўзлаб берди.

"Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида ғалати бир ғавго бўлиб ўтди, натижада биз мажмуа маъмурияти ва шу ердаги мадраса, Миллий Хавфсизлик Хизматининг жосуслари назоратида эканлигидан хабар топдик" деб бошлади гапни киракаш Исмаат ака.

Киракаш амаки гапириб берган хикоянинг қахрамони Убайдулло Одилов 1996-99 йиллар оралиғида Ал-Бухорий масжиди қошидаги мадрасада араб тилидан тахсил олади. Тахсил олиш билан бир қаторда Убайдулло ёдгорлик мажмуаси ва унинг атрофида савдогарлик билан шуғуллади ва мажмуа зиёратчиларига гид, яъни тарихий ёдгорликларни тушунтирувчи шахс, вазифасини ҳам бажаради.

"2011йилда мусулмон биродарларимизнинг каъбатиллога ҳаж зиёрати мавсумида Убайдулло Одилов ҳам ҳаж зиёратига бориб келади. Ёдгорлик мажмуасида ишлайдиган яқин бир танишимизнинг айтишича, Убайдулланинг ҳаж сафари МХХ томонидан молияланган бўлиб, у хожи биродарларни назорат қилиш учун, сафарга махсус жўнатилган экан.

Кейинчалик эса у ўзининг жосус эканлигини очиқ ойдиган бўлди.

2013 йил, апрел ойининг сўнги кунларнинг бирида Убайдулло ўзининг ҳамкасбларидан бири, гид, экскурсовод Замира Шодиева билан иш жойида тортишиб, жанжаллашиб кетди. Мажмуага келган сайёҳ ва зиёратчилар кўз ўнгида юз берган бу ғавгода, Убайдулло Одилов, Замира Шодиевани расво сўзлар билан ҳақорат қила бошлади.

Икки ўртада кучайиб бораётган даҳанаки жанжал ичида, Убайдулло МХХга хизмат қилишини, ва агар хоҳласа хоҳлаган одамни ишдан олдириб ташлашга кучи етишини ҳам айтиб юборди.

Бу орада, Убайдулланинг хотини Нигора Элтоева ҳам етиб келди ва даҳанаки жанжал икки аёл ўртасида мушталашга айланиб кетди. Нигора оғзига келган сўзларни қайтармасдан, Замирани юмма талаб ташлади.

Кўпчиликнинг олдида ҳақоратланган Замира Шодиева Ал-Бухорий жамғармаси раиси Даврон Азимов ҳузурига шикоят хати билан киради. Убайдулло Одиловнинг хурмача қилиқларидан безор бўлган мажмуа ходимлари С.Абдуазизов. Ш.Мўминов. Ш.Бердимуродов. О.Муродов ва бошқалар ҳам бўлиб ўтган воқеа юзасидан Убайдуллага қарши шикоят хати ёзишиб, мажмуа раисига топширишди.

Жамғарма раиси Д.Азимов ходимларидан тушган шикоят хатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси муфтийси, жаноб Усмонхон Алимовга мурожаат этади.

3 май куни эса, жаноб муфтий У.Алимов буйруғи билан, Убайдулло Одиловни ишдан бўшатади.

Ишдан бўшатишган Убайдулло яна ўз вазифасига қайтиши учун роса ҳаракат қилди. Ҳаттоки, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси муфтийси У.Алимовнинг рафиқасигача одам қўйиб, ишига қайта тикланиши учун илтимос қилиб ёрдам сўрайди.

Ҳаммага ойдек маълум бўлган жосус Убайдулло Одилов шу билан ишсиз қолди, деб ўйларсиз? Йўқ! Орадан бир муддат ўтгач, Самарқанд вилояти МХХ раҳбарлари ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг диний, маърифий ва маънавий ишлар бўйча ҳоким муовини Қулматов билан биргаликда, Убайдулланинг ишини ўз қўлларига олдилар. Кези келганда айтиб ўтай, Қулматов деганлари бир вақтлар МХХда ишлаган.

МХХ ва вилоят ҳокимлигининг босими ўз кучини кўрсатди. 12 июлдан бошлаб, МХХ жосуси Убайдулло Одилов Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида ўз ишини давом эттирмоқда!"

Исмаат аканинг ҳикоясини эшитиб, нафақат ҳар бир маҳалла ва мактаб, балки, ҳадис илмининг султони бўлмиш Абу Абдуллоҳ Исмоил Ал-Бухорий бобомизнинг ҳоқиқат кўмилган азиз маскан ҳам бугунги кунда мана шундай жосус кимсалар томонидан оёқ ости бўлаётганига амин бўлдик. Демокчи бўлганим шуки, азизлар, агар-ки сизнинг йўлингиз ушбу масканга тушгудек бўлса, эҳтиёт бўлинг! Муқаддас зиёратгоҳларимиз бугун Миллий Хавфсизлик Хизматининг жосуслари назоратида!

**Тухтамурад Ниёзов**

## «ГУЛНОРА КАРИМОВАНИНГ КАТТА СИЁСАТГА ЛАЁҚАТИ ЕТМАЙДИ»

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Президент Каримовнинг тўнғичи Гулнора Каримованинг элчилик вазифасидан олинганини очиклар экан, интернет нашрларда бу қарор турфа талкинларга сабаб бўлмоқда.

Хорижда асосан “диктаторнинг кизи” дея қараладиган Гулнора Каримова Ўзбекистонда хайриячиликдан тортиб қўшиқчиликкача бўлган соҳаларда жонбозлик кўрсатиб келади.

Сўнгги пайтлар ижтимоий тармоқларда ҳам кузатувчиларга кўра, баъзан “агрессив фаоллиги” билан танилиб бораётган Гулнора Каримова ўзининг сиёсий иштаҳасини ҳам яшираётгани йўқ.

**Би-би-си** тошкентлик сиёсатшунос Рафиқ Сайфуллин билан боғлашиб, ундан Гулнора Каримованинг элчилик лавозимидан олиниши билан боғлиқ қарор ортидаги сабаблар ҳақида сўраган.

**Рафиқ Сайфуллин:** Менинг фикримча, бунда бир қатор сабаблар бор. Авваламбор, Гулнора Каримова айрим объектив сабаблар ва субъектив манфаатлар боис, ўзининг аксар вақтини Ўзбекистонда санъат тадбирлари, концертлар, кўргазма ва мусобақаларни ташкиллаштиришга бағишлайди, бундан ташқари Фонд Форум номли ташкилотни бошқариш ҳам унинг деярли бор вақтини олади. Бу каби ўта фаоллигини чет элдаги дипломатик тадбирлар билан бирга олиб бориш осон эмас. У ё дипломатик фаолиятга ўзини бағишлаши, ё-да Ўзбекистондаги Фонд Форумни бошқаришга жиддий киришиб кетиши керак эди. Яъни бир пайтнинг ўзида уч-тўрт курсида ўтириш қийин бўлган, деб ўйлайман.

**Би-би-си:** Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг қарорини яқинда Францияда бўлиб ўтган полиция рейдлари ёки Швеция ва Швейцариядаги текширувлар билан боғлаш мумкинми?

**Рафиқ Сайфуллин:** Юзага келган ҳолатни можароли, деб таърифласак бўлади ва мен Франциядаги рейдларни ҳамда Швейцарияда кетаётган текширувни бевоқифа Ташқи ишлар вазирлиги қарорига боғламаган бўлардим. Албатта, мазкур текширувларнинг ҳаммаси бир шахсга бориб тақалади. Лекин уларнинг ҳаммасини битта нарса билан боғлаш унчалик ҳам тўғри эмас. Турли хил қонуنبозарликлар суд орқали хал қилиниши керак. Лекин бу ҳаракатларни кадрлар ўзгаришига доир қарорга асос бўлган деб айтиш нотўғри.

**Би-би-си:** Каримованинг элчи лавозимидан кетиши дипломатик мақомидан айрилганини аниқлатадими?

**Рафиқ Сайфуллин:** Йўқ, бу дипломатик мақомнинг олиб ташланилишини аниқламайди. Бошқа сўзлар билан айтганда, у лавозимидан кетди, лекин дипломатик мақомини йўқотмаган. Биринчидан, Гулнора Каримова, машҳур оила аъзосидир, шунинг учун у бошқа оила аъзолари каби дипломатик паспорт ва дахлсизликка эга.



**Би-би-си:** Ҳозирда Швейцарияда кетаётган пул ювиш билан боғлиқ текширувлар манзарасида Гулнора Каримованинг Швейцария ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари борми?

**Рафиқ Сайфуллин:** Биласизми, баҳорда унинг блогида чоп этилган изҳоротларини ўқиган бўлсангиз, у бу ҳақда ва МТС билан можаро ҳақида ўз фикрларини билдирганди. Каримованинг айтишича, у айна ширкатларга шерик ва улушдор бўлмагани боис, унинг бу можароларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу таъбир жоиз бўлса, унинг шахсий ишидир. У хоҳласа кўрсатма бериши мумкин, агар унга мурожаат қилинса, хоҳламаса йўқ. Бу ишларда у фигурант яъни гувоҳ сифатида иштирок этмаяпти. Яъни кўрсатма бериш унинг учун шарт эмас. Швейцария прокуратурасига ёки бошқа расмий органларга гувоҳлик бериш бу мутлақо унинг шахсий ишидир.

**Би-би-си:** Гулнора Каримова ўзининг twitterдаги ёзишмаларида, ҳозирда Ўзбекистон ичидаги лойиҳаларга кўпроқ эътибор қаратишга интилаётганини айтганди. Бу лойиҳалар Ўзбекистонда сайловолди жараён билан боғлиқ бўлиши мумкинми?

**Рафиқ Сайфуллин:** Йўқ, мен бундай ўйламайман. Сайловолди пойгасигача ҳали узок вақт бор. Бу ҳақда турли хил миш-мишлар бор, дипломатлар ва журналистлар орасида ҳам бу ҳақда кизгин баҳсу мунозаралар кечмоқда. Лекин шунини айтиш керакки, сайловолди ҳаракатларини бошлашга ҳали буйруқ бўлмаган. Бошқа жиҳатдан, Гулнора Каримова аҳоли орасида обрў ёки сиёсий вазинини ортириши юзасидан бу ишларга аралашиб кетиши мумкин. Ўтмишда ҳам шундай ҳолатлар бўлган... У асосан хайрия ва инсонпарварлик соҳаларига ургу бермоқчи, яъни бироз вақтини ёшларга, бироз вақтини эса таълимга қаратмоқчи ва ҳоказо... Фонд Форум айнан шу мақсадлар учун ташкил қилинганди. Айнан бу фаолият унинг асосий вазифасига айланмоқда. Менимча, бу унинг табиати билан боғлиқ... У авваллари ҳам бу ишларни берилиб бажариб келган... Катта сиёсатга унинг лаёқати етади деб ўйламайман. У келажакда сайловолди ҳаракатларнинг иштирокчиси сифатида катта рол уйнамайди...

Лекин албатта буни ҳаёт кўрсатади... Ҳозирги босқичда бу савол очиклигича қолмоқда...

**Би-би-си:** Бироқ интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистонда президентлик курсисини эгаллаш учун кизгин кураш кетаётгани ва «ВОРИС» деган лойиҳа ишга тушгани ҳақида турли хил тахминлар пайдо бўлмоқда... Унинг фикрингиз қандай?

**Рафиқ Сайфуллин:**

Президент курсиси учун кураш кетаётганини мен ҳар йил эшитаман. Ҳар гал «ВОРИС» амалиёти ва ҳоказо лойиҳалар амалга оширилаётгани бора-бора турли хил тахминларни ўқийман. Лекин шовилманглар, бу масала долзарб масалалардан эмас. Агар бу масала кун тартибда турганида, бирорта журналист хабардор бўлмас эди... Елчининг лавозимидан кетганини эсланг-чи, эҳтимол бизда ҳам ҳеч ким эшитмаган айрим шахслар ҳокимиятга келишлари мумкин. Лекин бу масалани муҳокама қилишга ҳали эрта деб ўйлайман. Каримовнинг соғлиги жуда яхши. Масалан, Қозғистон президенти яқинда Тошкентга келганида, менинг назаримда, унинг олдида Каримов, ёши каттароқ бўлганига қарамай, тетикроқ кўринди... Яна бир жиҳат, биз ўта жиддий воқеалар арафасида турибмиз, 2014 йилдаги Афғонистондан НАТО аскарлари чиқиб кетади... Кечувда отларни алмаштирмайдилар деган гап бор. Демак, ушбу жараён билан боғлиқ оғир ва муҳим қарорларни қабул қилаётган ҳар қандай сиёсатчи кардинал ўзгаришларга йўл қуймайди. Чунки ҳозирда ҳар бир киши ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг юқини сезмоқда. Бу эса келаси бир неча йилда тарихий масъулиятга айланиши мумкин.

**Би-би-си:** 2014 йилнинг энг катта воқеаси бу фақат Афғонистондан чет эллик қўшинларнинг олиб чиқилиши билан боғлиқ бўлмайди, Ўзбекистон парламенти сайловлари ўтиши керак... ва Гулнора Каримова Фонд Форумга таяниб, сайловларда иштирок этиши мумкин, шундай эмасми?

**Рафиқ Сайфуллин:** У кимнинг номзоди сифатида иштирок этади, мустақил номзод сифатидами? Агар ёшларнинг номзоди бўлман деса, унда ёшлар партиясини ташкил қилиши керак бўлади. Лекин ҳозирда у бундай интилишларини кўрсатмаяпти. Гулнора ҳозирда нафақат сиёсий вазн орттиришга, балки кўпроқ оммага ўзини ёқтиришга ҳаракат қилаяпти. Унинг келажакдаги қадамлари қандай бўлишини айтиш қийин, чунки Гулнора таъбир жоиз бўлса ранг-баранг шахс... Шунинг учун ҳам у қандай йўналишини танлашини башорат қилиши осон эмас.

## ПУТИННИНГ БОШ РАҚИБИ НАВАЛЬНЫЙ 5 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

Россиядаги аксил-Путин намоийшичларга бошчилик қилган Алексей Навальный ўғрилиқда айбдор деб топилган ва 5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. Унинг ўзи маҳкама иши асосида сиёсий сабаблар ётганига ишонади.

Навальний ва у билан бирга судга тортилган Пётр Офицеров маҳкама залида қўлларига кишан солиниб, олиб кетилганлар. Икковлонга 500 минг рубль ҳисобида жарима солинган. Судья коррупцияга қарши курашиб келган мазкур фаол товламачилик йўли билан тахта сотувчи ширкатнинг пулини ўғирлаган деб топди.

Навальний ҳар доим айбловни рад қилиб келди ва Президент Путинга қарши чиққани учун маҳкамага тортилганини урғулади. Бу қарор туфайли у сентябрь ойига мўлжалланган Москва ҳокимлиги сайловларига ўз номзодини қўя олмайди. Навальный суд учун Москвадан 12 соат поездда Киров шаҳрига келтирилган. Прокурорлар айбланувчи олти йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилишини сўрашганди.

Навальний 2018 йилдаги президентликка ўз номзодини қўйиш истагини изҳор этганди.

ЎХХ хабар маркази



## ЯШАСИН ИНСОФ



Яшасин ўрислар! Яшасин ўзимизнинг ўрисларимиз! Бу қарорга келишимга сабаб уларнинг соф диллиги ва инсофлиги ва ростгўйлигидир. Уч кун аввал уйимда холодильник (музлаткич) бузилиб қолди. Уста чақиртирдим (ўзбек), кўриб 260 000 минг сўм бўлади, деди. Кейин бошқа уста чақиртирдим бу ҳам бир қаллоб ўзбек экан, у холодильникни хали тузук қўрмай, очмай туриб 250 000 сўм бўлади, деди.

Бошқа уста чақиртирдим, бир камтар ўрис уста. У обдон холодильникни ўрганди, айбини топди ва мени чақириб «манави запчаст ишдан чиқибди, агар хоҳласанг бу запчаст менда ҳам бор, ўзимникини қўйиб бераман, бу запчаст бозорда 50 минг сўм, келиб тузатиб берган ҳақим ўн минг ва жами олтмиш минг сўм берсанг тузатаман, деди. Эй биродар, тузат пешонангдан ўпай дедим. Тузатди. Рози бўлиб пул бердим. Кўчага чиқиб озгина йўлга такси тўхтатдим. Бир нафсинга ўт тушқур малакасос ўзбек: «Ока тўрт минг беринг» дейди.

Мен то ўрис келгунча кутдим мошинларни. Бир ўрис тўхтади: «Тисяч сум» деди. Қойил хайда дедим. Кунига беш маҳал намоз ўқиб одамларнинг ҳаққига оғиз тумшуги билан чанг соладиган эй мусулмонлар ҳолинга вой! Сендан ўрис яхши. Касаба уюшмалари ҳам меҳнат шартномалари бузилишини назорат қилади. Ўшандай корхонада ишлаганимда ҳам бирорта ўрис аралаш ишлайдиган корхоналар қонуний, яхши ишлайди. Аксинча ҳаммаси ўзбекдан иборат корхоналарда бир-бирининг ҳуқуқини поймол қилиш тўла кузатилган. Бу менинг шахсий кузатишларим! Боринга шукур ўрисим! Яшасин ўрислар!

Шукур Жаббор

## ДИКТАТОР КАРИМОВСИЗ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ РЕЦЕПТЛАРИ

«Ўзбекистон келажаги буюк давлат», деб аталсада, мамлакатимизнинг яқин келажагидан ҳамма хавотирдадир. Баъзилар Ўзбекистон раҳбари Каримовнинг тахтдан кетиши билан мамлакатда жиддий сиёсий инқироз ўртага чиқишини ҳам тахмин қилмоқдалар. Ўзларини ҳокимиятга яқин деб ҳисоблайдиганлар ҳам «Ўзбекистон катта хавф остида» турганлигини таъкидламоқдалар. Таҳририятимизнинг ушбу масаладаги саволларига Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раҳбарларидан Намоз Нормўмин жавоб беради.

Савол: Маълумки Президент Каримов Ўзбекистонда репрессиялар ёки давлат террори усули билан сиёсий барқарорликка эришган. Бундай «барқарорлик» Ўзбекистонда давлат дейилган ҳуқуқий институтни йўқ қилиш билан бирга, 30 миллион аҳолининг асосий қисмини ўз мамлакатада ва хорижда ўзини ва оиласини боқиб учун дарбадарлик қиладиган гадойларга айлантирди. Сизнингча бундай «барқарорликнинг» Каримовсиз, яъни у тахтдан кетгандан кейин ҳам давом этиши мумкинми?ИАК

Жавоб: Мен бундай бўлишига ишонмайман. Каримов асос солган «тинчликни» давом эттириш учун «давлат террорчилари» командаси лозим. Аммо Каримов тахтдан кетгандан кейин бундай команда бўлмайди, тўғрироғи у ўз «бошидан» айрилади. Маълумки, бу команда Каримовсиз ўз -ўзини йўқ қилишдан бошқа ишга ярамайдиган гуруҳлардан (кланлардан) ташкил топган. Бизда кучли марказлашган ҳокимият борлиги айтилади, аммо бу ҳокимиятнинг умри тугаган, у чириб битган ва мамлакат аҳолиси бу қароқчи ҳокимият вакилларида факат нафратланади. Фикримча, бу ҳокимият ўз «отасидан» айрилиши билан қулайди...

Савол: Ҳокимиятни Конститутциявий йўл билан топшириш эҳтимоли қайси даражада, деб ўйлайсиз?

Жавоб: Конститутцияга кўра, агар ҳозирги Президент ўз вазифаларини бажара олмай қолса ёки вафот этса, Сенат аъзоларидан бири вақтинчалик унинг

вазифасини бажариб туриши ва уч ойдан кейин Президентлик сайловлари

ўтказилиши керак. Эҳтимолки, Президентнинг катта қизи Гулнора Каримова мана шундай Конститутциявий «йўл» билан мамлакатнинг янги президенти бўлишга уриниши мумкин. Аммо ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳ айтгани каби диктатор Каримовнинг ўзи сиёсий режим ва «Конститутциядир», яъни бир шахс давлатнинг икки асосий тамалини ўзида бирлаштирган. Бахтимизга Каримовнинг кетиши бу «сиёсий режим ва «Конститутцияни» ҳам йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам Гулнора тахтга келганда ҳам уни ҳокимиятда ушлаб турадиган сиёсий режим ва Конституция бўлмайди. Гулнорада эса отасининг «тахтни» ушлаб туриш қобилияти йўқ, шунинг учун ҳам у тахтга ўтирмасдан ундан қулайди...

Савол: Ўзбекистонда ҳокимиятни топширишнинг қайси йўли сизнингча энг маъқул йўлдир?

Жавоб: Каримовга ёзган хатимда (<http://uzxalqharakati.com/archives/19040>) мен 2014 йилда Парламентга, 2015 йилда эса Президентлик учун очик, адолатли ва эркин сайловларни ўтказишни таклиф қилганман. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар назоратида ўтадиган бундай сайловларда Каримовнинг барча партиялари (бирлашган ҳолда ёки ҳар бири алоҳида) ва асосий кучи Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидан иборат бўлган муҳолифат қатнашиши керак. Бундай сайловлар натижасида мамлакат бошқарувида халқ тарафидан сайланган Парламент ва Президент тарафидан бошқариладиган ҳукумат келади ва улар Каримовдан кейинги даврда энг муҳим қарорларни қабул қиладилар.

Савол: Агар бундай сайловларда муҳолифат ютиб чиқадиган бўлса, сизлар халққа қарши қилинган репрессиялар учун Каримовдан қасос оласизларми?

Жавоб: Менимча бизнинг бунга вақтимиз етмаса керак. Ҳамма Ўзбекистон Президентининг оғир касал эканлигини билади. Каримов деярлик чорак асрда ўтказган қагафон сиёсати билан ўзини ўзи маҳкум қилди ва унинг иши ҳар ҳолда охиратда кўриб чиқилса керак, деб ўйлайман.

(Давоми кейинги саҳифада)



## ДИКТАТОР КАРИМОВСИЗ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ РЕЦЕПТЛАРИ



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Аммо у ўзбек халқининг иродасини топтаган ҳолда, яъни ноқонуний йўл билан ҳокимиятни ўз қизига берадиган бўлса, бу Гулнора Каримованингни ўз отаси ўтказган қатағонлар учун ҳам масъулятни ўз зиммасига олишини билдиради. Чунки сўз режимининг жиноятлари ҳақида бормокда ва кимдир улар учун жавоб бериши керак. Бошқа томондан менинги тушунчамда сиёсат қасос олиш эмас, давлатни оқилано бошқаришнинг воситасидир. Рамзий қилиб айтадиган бўлсак, сиёсатчининг кўзлари ўтмишга эмас, келажакка қараши керак. Мен 1990 йилдан бери Каримов режимига муҳолифатдан, бу режимнинг қатағонлари мени ва бошқа кўпгина муҳолифатчиларни қандай сиёсатчи бўлмасликка ўргатди. Ростини айтсам мен бу аксилсоний режимни танқид қилишдан чарчадим. Шунинг учун ҳам ҳозирда мен Каримов даври ҳақида эмас, 2015-2040 йилларда ватанимизда содир бўлиши кутилаётган воқеалар ва жараёнлар ҳақида кўпроқ ўйламоқдан...

Савол: Замоनावий Ўзбекистон учун қандай сиёсий тузумни маъқул, деб биласиз? Dr. Namozi Normumin

Жавоб: Фикримча, мамлакат бошқарувининг Парламент қаноти Президент бошқарадиган ижро қанотидан кучлироқ бўлиши керак. Бу мамлакатимизда янги Диктатор ўртага чиқишининг олдини оладиган бир омил ҳисобланади. Бир палатали кўппартиявий парламент мамлакатда содир бўладиган барча ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ўзида акс эттирадиган қонуний "ойна" бўлиши керак. Президент эса бевосита ижро ҳокимиятини бошқариши керак. Шунинг учун ҳам Бош Вазир лавозимига зарурат йўқ. Президентнинг вето ҳаққи бўлиши керак, аммо Парламент ўз қарорини қайта қабул қиладиган бўлса, Президент уни имзолайди ёки масала Конституцион Судда кўриб чиқилади ва унинг қарори барча тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Парламент қоидалари Конституцияда кўрсатиладиган импичмент (Президент-

ни лавозимдан четлатиш) ҳуқуқига эга бўлиши керак, аммо Президентнинг Парламентни тарқатиб юбориш ҳаққи бўлмаслиги керак. Бу ҳам президентнинг мутлақ ҳокимиятга эга бўлишига тўсик бўлади.

Давлат Кенгаши Президент, Парламент Раиси, унинг ўринбосарлари, куч ишларга тизимларни бошқарадиган вазирлардан (бу кенгашга Парламент ва Президент тарафидан тенг сонда вакиллар киритилади) иборат бўлади. Давлат Кенгашининг вазифаси

мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, яъни ички ва ташқи хавфсизлик сиёсатини мувофиқлаштириш ва бошқаришдан иборат бўлади. Давлат Кенгаши бир йилда олти мажлис ўтказиши ва давлат хавфсизлик сиёсатини муҳокама қилиб, тегишли қарорлар олади. Бу ҳолда, Президент Давлат Бошлиғи ва қуролли кучларнинг Бош қўмондонидан бўлсада, унинг давлатни ва куч ишларга тизимларни яқка ҳолда бошқариш имкони бўлмайди. Албатта, бу менинги муҳолиф сифатида шахсий тақлифларимдир.

Энг муҳими, биз халқ ва жамиятнинг тирик бўлишига, уларнинг давлат ҳокимиятини ўз эркин иродасини ўртага қўйиш билан бошқариш қобилиятига эга бўлишига эришишимиз лозим. Бу эса инсонларнинг тафаккур ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, халқнинг ўз иродасини марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари учун эркин сайловларда ўртага қўйиши, агар ҳокимият зулм йўлига ўтадиган бўлса, унга қарши халқнинг намойиш қилиши ва ҳатто зарур бўлганда ҳокимиятни ағдариши билан амалга ошади.

Савол: Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг асосий шиорлари нималардан иборат?

Жавоб: Каримов режими икки асосга таянган: халқни қул қилиш ва ўз қулларини қатағон қилиш. Биз бу икки асосни Эркинлик ва Адолат билан алмаштиришни истаймиз. Шу билан бирга эркинликнинг чегаралари Адолатнинг чегараларига боғланиши керак. Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак, шахсларнинг ва жамиятнинг эркинлиги инсонларнинг ҳаёти, мол -мулки, ақли, эътиқоди, насаби ва шарафининг дахлсизлигини бузмаслиги керак...

Савол: Келажакдаги жамият қандай кадрларга асосланиши керак, деб ўйлайсиз?

Жавоб: Мен бу кадрларни уч гуруҳдан иборат деб биламан: Биринчиси, бизнинг миллий (миллатчилик эмас) кадрларимиздир. Бу бизнинг она тилимиз, халқимизнинг яхши урф-одатлари, адабиёти, маданияти ва ҳқ.

Иккинчиси, инсоният тараққийнинг ижобий тарафларидир: инсоннинг асосий эркинликлари ва ҳуқуқларига амал қилиш, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларига эркин сайловлар ўтказиш, фуқароларнинг жамоат ташкилотларига, шу жумладан сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш эркинлиги, тинч намойишлар ўтказиш эркинлиги ва ҳқ. Учинчиси эса, халқимизнинг маънавий кадриятларидир.

Яъни, ўз эътиқодига амал қилиш, соф ва адолатли, яхши ахлоқли инсон бўлиш ва ҳқ. Мен бу кадриятларнинг ўзаро муносабати ва мужассамлиги келажакда Ўзбекистонда қуриладиган янги жамият ва давлатнинг бузилмас тамаллари бўлишига чин қалбимдан ишонаман...

Савол: Сиёсий барқарорликни кўриш учун ижтимоий ҳаётнинг қайси омиллари асосий омиллар ҳисобланади?

Жавоб: Бундай омилларнинг аввалгиси, юқорида айтганим каби, очиқ ва адолатли сайлов йўли билан миллий муро-сага эришишдир. Бу билан биз умумхалқ тарафидан сайланган мустахкам ва ҳаракатчан давлат бошқарувига эга бўламиз. Бу икки омил сиёсий барқарорликнинг марказини ташкил қилади. Жамият ҳаёти, шу жумладан сиёсий жараёнлар инсон ҳуқуқларига амал қилишга, инсонлардаги ақлий ва руҳий кучга асослансагина миллий муро-са учун йўл очилади. Албатта, иқтисодни либераллаштириш билан аҳолининг кундалик ҳаёти яхшиланиши ва инсонга ярашадиган турмуш тарзига эришишимиз ҳам муҳимдир.

Агар юқорида айтилган ислохотлар амалга оширилса, давлат ҳокимиятини очиқ ва адолатли сайловлар билан шакллантириш жараёнида ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар содир бўлмайди. Давлат иқтисоднинг стратегик соҳаларида ўз назоратни сақлаб қолиши керак, аммо кичик ва ўрта даражали корхоналар тез суръат билан хусусийлаштирилиши ва бозор иқтисоди шароитига мослаштирилиши лозим.

Дин ва давлат муносабатларини ҳал қилиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Ислом Каримов бошқарувида айнан шу масала ниҳоятда кескин тус олди. Аф-суски, бу масалада Каримовнинг коммунист эканлиги ва атеистик нуқтаи назарда оёқ тираб олиши унга жуда катта панд берди. Унинг мусулмонлар ва исломий жамоатларга нисбатан террор сиёсати ўтказишининг асосий сабаби ҳам шундадир.

Бундай давлат террори ўрнига мусулмонлар ва турли шаклдаги исломий ташкилотлар аста -секинлик ва эҳтиёткорлик билан фуқаровий жараёнларга жалб қилиниши зарур эди. Яъни, Ўзбекистон каби аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат бўлган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг Ислом динига ижобий муносабатда бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Акс ҳолда мусулмонлар мазлум ҳолга тушадилар ва бу эса ўз ўзидан радикал кайфиятдаги фуқароларнинг ва гуруҳларнинг ўртага чиқишига сабаб бўлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ДИКТАТОР КАРИМОВСИЗ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ РЕЦЕПТЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Савол: Бу ҳолда масала сиёсий Исломга ва унинг талаблари томонга бурилиб кетмайдими?

Жавоб: “Сиёсий Ислом” атамаси динимизнинг табиати ва ҳақиқатига унчалик ҳам тўғри келмайди. Ахир “иктисодий”, “хуқуқий” ёки “маданий” Ислом деган атамалар топилмадику! Қуръони Каримда Ислом “дин”, дея таъриф этилган ва бу Аллоҳ таоло нозил қилган сўнги ҳақиқатнинг ягона исмидир. Исломда дин дейилганда биз ердаги барча зотларни иссиқлик ва нур билан таъминладиган Куёшни тасаввур қилишимиз керак. Худди шунингдек, Ислом ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, яъни сиёсатга, иқтисодга, маърифатга, ахлоқга нур ва куч беради, аммо улардан айнан биттаси ҳисобланмайди ҳам. Бу биринчидан.

Иккинчидан, Ислом ғарб тушунчасидаги эътиқод ва ижтимоий ҳаётга баҳо бериш нуктаи назаридан ярим дунёвий дин ҳисобланади. Бу ҳақда Бақара сура-сининг 201-оятда каримасида марҳамат қилинган. Исломда бошқа динлардаги каби руҳонийликни тамсил қиладиган муқаддас оталарга (роҳибларга) ўрин йўқ. Шунинг учун динимизда динни никоб қилиб, ўз сиёсий манфаатига эришишни мақсад қилиб оладиган ёки диний задогонликни иддоо қиладиган муқаддас зотлар тоифаси бўлмайди. Ислом динида ҳар бир ихлосли мусулмон (афсуски мусулмонларнинг ичида мунофиқлар ҳам топилади) бу диннинг тамсилчисида ва ҳар бир мусулмон бошқарувда иштирок этиш, раҳбар бўлишга интилиш ҳуқуқига эгадир. Яъни, Исломнинг қоидалари инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган ва инсоннинг танлови асос ҳисобланадиган фуқаровий жамият қоидаларига зид эмасдир.

Учинчидан ва энг муҳими Исломнинг қонунлари инсонлар ўртага қўядиган кўпгина қонунлардан фарқ ҳам қилмайди. Масалан, маст қилувчи ичимликларнинг, наркотикларнинг, порахўрликнинг, фухшбозликнинг тақиқланиши каби... Шу билан бирга Исломнинг ғояси фақат тақиқлашдан ва жинойткорларни жазолашдан иборат эмас. Динимизнинг асосий мақсади маърифат, маънавий ва жисмоний поклик, яқинларининг зиддига бўлса ҳам адолатли бўлиш, ўзгаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби қадриятлардир.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, масала кўндаланг қўйилиши ва шу ҳолда унга ечим топилиши керак: Каримов режими қилгани каби ҳар қандай диний ташаббусни давлат кучи билан йўқ қилиш ва ахли эътиқодга қарши доимий кураш бориш. Бу эса ушбу масаланинг сиёсий тус олишига ва тарафларнинг тўқнашувига олиб келади. Иккинчи йўл эса, бундай сиёсий ва ижтимоий тўқнашувларга йўл қўймасдан, мусулмонларга эркинликлар бериб, хуқуқий соҳада Исломий қоидаларнинг дунёвий қонунлар билан мутаносиблигига эри-

шишдир. Аҳолининг 90% мусулмонлардан иборат бўлган Ўзбекистон учун иккинчи йўл ягона чорадир ва мен бунга бутун қалбим билан ишонаман.

Савол: Агар эркин сайловлар ўтказиладиган бўлса, сайловчилар нима учун ЎХХ га овоз беришлари керак?

Жавоб: Чунки биз сиёсат майдонининг марказини эгаллаганмиз ва миллий, умуминсоний ва халқимизнинг эътиқодий қадриятларининг мутаносиблигига эриша оламиз. Бошқача сўз билан айтганда, ЎХХ сиёсатда муҳофазақор марказчиликка даъвагордир ва биз бу йўл билан сиёсий барқарорликни, барчани эркинлик ва адолат билан таъминлай олишимизга ишонамиз. Биз сиёсатда мўътадилликка интиладиган барча табақаларни жалб қиладиган йўлдан борамиз ва бу билан радикал кайфиятда бўлганларнинг (ашаддий миллатчиларнинг, радикал атеистларнинг ва радикал кайфиятдаги мусулмонларнинг) жамият ҳаётида мувозанатни бузишларига йўл қўймаймиз. Бундай муросасиз кучлар дунёнинг барча бурчакларида топилади, аммо муҳими бузғунчи мафкуралар ва кучларга қарши тура оладиган кучли сиёсий марказиятчиликни ташкил қилишдир.

Мен юқорида ЎХХ ғоялари ҳақида батафсил тўхталдим. Бизнинг сиёсий ташкилот сифатида яна икки кучли жиҳатимиз бор: Халқ билан алоқа қилишдаги катта қийинчиликларга қарамай, биз кейинги вақтларда ватанимизда миңларча янги тарафдорларга эга бўлдик. ЎХХ имкон туғилиши билан Ўзбекистонда сиёсий ҳокимият учун курашиш учун бу тарафдорларни ўз сафларида жамлай олади. Учинчидан эса, ЎХХ Муҳаммад Солиҳ шахсида танилган ва кучли сиёсий раҳбарга эгадир. Каримовдан фарқли ўларок Муҳаммад Солиҳ эрқпарвар, зиёли ва ихлосли мусулмон кишидир.

Савол: Сизнингча, қайси давлатлар келажакда Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади?

Жавоб: Бу аввало Русия, Қозғистон ва Туркия давлатларидир. Биз ўзбекларни Русия халқи ва раҳбарияти энг яхши билади, деб ўйлайман. Бизнинг доимий қўшнилигимиз тақдирнинг ҳукмидир. Мен Русиянинг Марказий Осиёдаги манфаатлари фақатгина бизни ва бойликаларимизни талашдан иборатлигига ишонмайман. Ҳақиқатда эса Русиянинг манфаатлари хусусан унинг ўз хавфсизлигига бориб тақалади. Аллоҳ кўриси агар бугун Ўзбекистонда сиёсий ғожеа ўртага чиқадиган бўлса, у эртага Қозонда ўзини кўрсата бошлайди. Шунинг учун ҳам доимий қўшнилари сифатида биз ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак...

Қозғистон бизнинг қондош давлатимиздир. Президент Назарбоев ўз давлатида Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари президентларига қараганда кўпроқ ютуқларга эришди. Албатта, шартлар ҳам бир эмас, масалан бу қўшнимизда исломий омил биздаги каби

ниҳоятда кескин эмас. Мен ишонаманки, Президент Назарбоев Каримовдан кейинги босқичда Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик сақланиб қолиши учун қўлидан келган барча ишларни қилади. Бунинг шарты албатта, Назарбоевнинг Каримовдан узунроқ умр кўришидир...

Туркиянинг узоқ хорижий давлатлар ичида бизга яқинлиги нафақат туркий тилларга мансублиги билан изоҳланмайди. Биз давлатни шакллантиришнинг ва халқро сиёсат олиб боришнинг катта тажрибасини Туркиядан ўрганишимиз ва имкони борица ундан ижобий жиҳатларни олишимиз керак.

Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар тақдир тақозаси билан ўзаро ҳамкорлик қилишга маҳкумдирлар. Шунинг учун улар орасидаги низо ва тафовутларни асло тушуна олмайман. Бу ерда ҳам гуноҳнинг ярми Каримовнинг, қолган ярми эса қолган тарафларнинг зиммасидадир. Бу давлатлардан баъзилари ўртасида виза жорий қилишни қандай сиёсий мантиқ қабул қилиши мумкин? Жанжал ва низола ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади...

Савол: Сиз “араб баҳори”га ўхшаш “ўзбек баҳори”нинг ҳориб толмас тарғиботчисисиз. Сизнинг китобларингиздан бири ҳам ““Араб баҳоридан ўзбек баҳорига”, деб аталади. Бундай инқилоб ҳали ҳозирда ҳам Ўзбекистон учун долзарб бўлиб қолмоқдами?

Жавоб: Албатта, агар Каримов ҳокимиятни топширишининг биз айтаётган маъқул йўлидан бормайдиган бўлса, яъни бизнинг мамлакатимизга қайтиб, эркин сайловларда қатнашимизга изн бермас, бундай инқилоб ўз долзарблигини йўқотмайди. Бу ҳолда инқилоб “баҳор”и фақатгина биз уни истаганимиз учун содир бўлмайди. Бунга асосий сабаб Каримовнинг ҳокимиятни ноқонуний йўл билан кизи Гулнорага ёки ўз яқинларидан бошқа бировга топшириши бўлади. Мен Каримов шахсининг Ўзбекистонда сиёсий режим эканлиги ва унинг тўсатдан кетиши сиёсий вакуумни келтириб чиқариши ва унинг ноқонуний меросхўрининг оёғи ердан узилиб қолиши ҳақида юқорида батафсил гапирдим. Бу эса сиёсий анархияга ва унинг даҳшатли ижтимоий ва сиёсий оқибатларига олиб келади. Бу ҳолда деярли чорак аср зулм кўрган ва бу туфайли ғазабнок ҳолга келган халқ ўзининг ниҳойи қадамини отиши мумкин...

Савол: Сизларнинг ҳаракатингизга парламент ва президентлик сайловларида иштирок этишга рухсат беришларига ишонасизми?

Жавоб: Бунинг ҳозирги аҳволда ва Каримовдан кейинги даврда тўс-тўполонларнинг ва сиёсий инқирознинг олдини олишнинг ягона йўл эканлигини айтиб ўтдим. Ўз ўрнида биз ҳам шунга мувофиқ сиёсий одимлар отишимиз керак бўлади: Ватанимизга хавфсизлик шароитида қайтишга ва кутилаётган сайловларга қатнаша олишимизга воистачилик қилишлари учун БМТ, ЕХҲК, Ислом Ҳамкорлик Ташкилотларига, Русия, Қозғистон ва Туркия раҳбарларига мурожаат қилишимиз керак, деб ўйлайман...

Шоир ўзининг “Қахратон” номли шеърида қаттиқ совуқдан ҳар бир дарахт худду фарзанди хиёнат қилган бир она каби тош қотиб қолгандир. Яна:

*Ҳар лаҳзада бир абадият –  
Сўнг фожиа юз берганидай,  
Сукут ичра турар табиат  
Бир дахшатли қасам ичгандай.*

Мисраларида ҳаёт гўёт тўхтаб қолгандай, сукунат эса худди ичилган дахшатли қасам каби тасвирланади. “Манзара” шеърида қорнинг ёғиши тараддуд ичида бўлган бир одамнинг ҳаракатига ўхшатилади.



## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Қор гўё ўз хаёлларига асир бўлиб ёғишини ҳам ёғмаслигини ҳам билмай турган одам. Бир қарасанг ёғиб, бир қарасанг тинади. Ниҳоят, қорбобо шақлига кириб, бироз ўтиради...

“Чилла чиққанидан сўнг” шеърида шоир мавсумнинг ўзгаришини тасвирлайди:

*Қор-ку гўзал эди эриб кетди-да,  
Осмон ўриб олди ўз эканини.  
Бу фасл тонг чоғи, соат еттида,  
Унутди ўзининг қиш эканини.*

Муҳаммад Солиҳ “Жимжилок” шеърида баҳордан сўз очади.

*Баҳорнинг қўли йўқ,  
Жимжилоғи бор.  
Ўша жимжилоғи билан у  
Ширин тегиб қўйди қуёшга -*

Сал-пал нукиб кўрди, Сал туртиб қўйди Бўртган жойларига новданинг. Баҳорнинг жимжилоғи билан қилинган бу энгил ҳаракатлар бутун табиатни қиш уйқусидан уйғотмоқ учун етарлидир. Баҳорнинг бу (ҳафиф, энгил) ҳаракати фақат табиатга эмас, инсонларга ҳам таъсир этади, уларни ҳам жонлантиради. Шоир бу хусусда шеър сўнгида баҳор “чиқиб келаётган ҳаммага назокатла йўл берди холос” дейди.

Муҳаммад Солиҳ сукунатни тасвирлаган “Август” шеърида:

*Тунда шивирлаб кўр,  
Ойга эштилади шивиринг.  
Жим қадам босасан,  
Юлдузлар тўкилиб кетмасин дея...*

Шоирнинг маъжозий бўлмаган тўғридан-тўғри табиат тасвирланган шеърлари ҳам бор. “Сўқмоқ” номли шеърда сўқмоқнинг эгри-бугрилигини унинг икки четигадаги ўткир чимнинг уни киттиклаганидан қочиши сабабли пайдо бўлгани тасвирланади. “Табиат каби” шеърида инсонга хос хусусиятлари табиат мўжизаларида акс эттирилади.

*Сир сақлай олмайди ҳеч ким тош каби,  
Ёмғирдай айтолмас ҳеч ким сирини.  
Бирорта эринчоқ нозанин кузги  
Шабдадайд билмас майин эриниб.*

*Барча кечикканлар майли бир бўлсин,  
Кўз каби ёқимли келмас кечикиб,  
Қанча жилмайса ҳам ўлимдан олдин  
Ёз каби чиройли ўлолмас ҳеч ким!*

Шоир “Тун ташбеҳлари” шеърида нарсаларнинг қоронғиликда янги бир мазмунга бурқанганини кўради. Тоғ кеча қоронғилигида лангар ташлаган хайбатли кема бўлиб кўринади. Қоялар худду кўйлак алмаштирган каби ўз шакли ташқарисига чиқади. Чигиртканинг чириллаши эса “ер остидан отилиб чиққан ингичга фавворага” мензайди. Чим устида порлаган шудринг доналари шоирга “кўкдан учган юлдуз” ёки “кўз ёши” ёки “ёнар қурт” бўлиб кўрина бошлайди.

“Ердаги оқ тераклар” мансурасида сой каноридаги оқ тераклар ечиниб, сувдаги аксини тамоша қилаётган хотинларга ўхшатилади.

Муҳаммад Солиҳ “Ташбеҳ” шеърида “Сувдаги ойнинг қўшниси” сифатида тасаввур қилгани нилуфарни ўз юраги билан қиёслаб, иккови орасида ўхшашликлар топади. Иккови ҳам ер ва кўк орасида муаллақ чунки, Муҳаммад Солиҳ иккита шеърида Туркистондаки экологик фалокатни тилга олади Совет Иттифоқи даврида ўтказилган аграр сиёсатнинг хатолари натижасида ер-сув ва ҳатто тоғлар ҳам ўлимга юз тутта бошлаган, Туркистон яшаш мумкин бўлмаган минтақага айланганди.

Туркистон тупроқларининг сурункасига пахта етиштириш учун қўлланилиши, кимёвий моддаларнинг ишлатилиши тупроқни ўлдириди. Пахтага бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан сувга эҳтиёж ҳам ортиб борган. Натижада Жайхун ва Сайхун дарёларидан сув олиб турган Орол кўли қуриб қолган. Ўзининг буғланиши билан минтақа иклимини мувозанатда тутиб турган Орол 50 фойиз сувини ёқотиши атрофининг чўлга айланишига сабабчи бўлган.

Айни пайтда атом чиқиндилари ахлатхонасига айланган Орол кўли ўзидан кейин атомга булганган кум тепалар шамолда соврилар экан ўлим манбаига айланган. Ўзбекистон бу янглиш ва хатоли тadbирлар сабабли фақат табиатни эмас, одамлари ҳам ўлаётган бир ўлка ҳолидадир. У майиб туғилганлар ва болалар ўлими

бўйича Ўзбекистон 1980 йиллар бошида Совет Иттифоқида биринчи ўринни эгаллаганини билдиради. (Кўзи тийран дард -1990, 181-187 саҳифа) яна шу мақоласида ўзбек халқининг тўртда бири рақ ва сариқ касалига мубтола бўлганини ва бу сабабли ишга яроқсиз эканлигини қайд этади.

Айни пайтда сиёсат одами бўлган Муҳаммад Солиҳ 1985 йилдан кейин ўлкасининг энг муҳим масаласи ўлароқ санагани экологик муаммо ҳақида қатор мақолалар нашр этади. Сал кейинроқ бу мақолаларнинг бир қисми “Кўзи тийрон дард” ва “Иқроор” номли китобларида ўрин олди.

Ўзбекистонда одам ва табиатнинг бу ҳазин аҳволи бошқа шоир ва ёзувчилар асарларида ҳам муҳим масала сифатида кўтарилгандир. У бу мавзуда мақолалардан ташқари иккита шеър ҳам ёзгандир. “Табиат муҳофазаси ҳақда” шеърида шундай дейди:

*Сенга нима бўлди жоним Қорақум,  
Қайга гоийб бўлди буюк шамоллар,  
Улуғ исён қани, қани талотум,  
Жайронлар қаерда, қани Жалоллар?  
Бир қошиқ қонимдан кечсанг, айтаман:  
Қорақум, сен - қумсан*

*оддий қумсан - бас.*

*Сени ташлаб кетди ёввойи саман,  
Сени аллақачон тарк этди йўлбарс!...  
Тоғларим, сизга-да бир бало бўлди,  
Салобат йўқ бардош,*

*(чордона) қуришингизда,*

*кўрдим-у кўзимга жикқа ёш тўлди –  
Тоғларим шиддат йўқ туришингизда...  
Раҳм этиб, айбга буюрмасангиз,  
Сизга ҳам чин гапни айтай шу нафас:  
Бугун ҳеч ким кўрқмас гудирасангиз,  
Бугун хўмрайсангиз ҳеч ким чекинмас!*

(\* - Жалолиддин Мангуберди)

Шоир бу шеърида чўллардан тоғларгача бутун табиатнинг экологик фалокатдан мутъассир бўлганлигини ёзади. Туркистон табиати маъруз қолгани бу фалокат сабаби ила худди инсонлар каби динамизмини йўқотиб, мискинлашгандир. Иккинчи шеър “Ҳазилни тушунмак” деб аталади. Бу шеърнинг сўнгида Ўзбекистон бир маҳшар майдони каби кўринади:

*“Йўлга ҳозирлик кўр,  
турақол”, дердим.*

*Бизни кутиб турган бўлса эди йўл.*

*“Чиройли кўйлагинг кийиб ол”, дердим*

*Агар кўйлақларинг бўлганида мўл.*

*Ҳазилни тушунмай, жоним, қаерга*

*“Қаерга” десанг сен оғиз тўлдириб.*

*“Денгизга кетамиз! дер эдим шартта.*

*Денгизни қўймасак эди ўлдириб.*

*“Ҳа, ҳа, денгиз ўлган. Хохласанг, жоним,*

*Тоғларга кетамиз!” дердим шу онда,*

*Бирор - бир захару заққумдан ҳоли*

*Гўша бўса эди Ўзбекистонда!*

*Севглим, шунда ҳам мени тушунмай*

*Кийина бошласанг эди тўсатдан.*

*“Кетдик!” дердим,*

*босиб тишига тишимни,*

*“Кетдик!” дейверадим*

*бу аросатдан!*

**Шуъайб Қорақош (Туркия)**

**ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ**

Бачадон гиперстимуляцияси давомиди бачадон йиртилиб кетиши мумкин.

Авваллари бачадонда “Цезар амалиёти”га ўхшаш жарроҳлик амалиётларининг ўтказилганлиги, бир хомилдорлик пайти икки ва ундан ортиқ ҳомилали бўлиш, амнион суоқлигининг ортиқчалиги, йирик чақалоққа хомиладор бўлиш каби ҳолатлар бачадоннинг йиртилиб кетиш эҳтимолини янада оширади. Бундай пайтларда ҳам “Цезар амалиёти”ни ўтказиш зарур бўлиши мумкин.

Синтетик окситоциннинг тузилмаси сув тутилишига сабабчи бўладиган антидиуретик гормонга ўхшаб кетади. Синтетик окситоцион ҳам онанинг, ҳам чақалоқнинг организмда сув тутилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шиддатли сув тутилиши эс-хушни йўқотишга, хуружларга (приступларга), юрак етишмовчилигига, хушдан кетишга (комага) ва ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Синтетик окситоциннинг хусусияти шунда-ки, у чақалоқ миясининг тўқималарига тўпланиши ва чақалоқнинг миясида шиш ҳосил қилиши мумкин. Сунъий тўлғоқ билан туғилган боланинг мияси турли даражаларда лат ейди. Бу ўз навбатида чақалоқнинг безовталанишига, ҳарорати ошишига, конвулсияларга ва гиперактив (гиперфаол/ҳаддан ташқари фаол) бўлишига замин яратади.

Энг катта зарарга олдин сунъий тўлғоқ берилиб, кейин “Цезар амалиёти”га ўтказилган аёллар ва уларнинг чақалоқлари миялари учрайди. Чунки синтетик окситоцин билан анестезия моддалари бир-бирининг зарарини оширади. Уларнинг таъсирида қолган миянинг зарарланиши чақалоқнинг гиперактивлигини даста-клаб, уни отизм, эпилепсия (тутқанок) каби неврологик ёки шизофрения каби руҳий касалликларга олиб келади. Оналар эса вақт ўтиб хотираларини йўқотиб, руҳий касалликларга дучор бўлишади. Шу сабабдан психолог ва психиатрларнинг қабулларига аксарият ҳолларда “Цезар амалиёти”ни бошдан ўтказган аёллар ва болалар боришади.


Расмий маълумотларга кўра, Туркияда ҳар икки туғишдан биттаси “Цезар амалиёти” воситасида амалга оширилмоқда. Аслида, бу рақам ундан ҳам катталигини ҳамма билади. Худди шунингдек, ҳамма туғишларда сунъий тўлғоқ қўлланмоқда. Бу ҳам етмаганидек, ҳали энди туғилган болаларга гепатит-Вга қарши эмлаш қилинмоқда. Эмлаш суоқлигидаги “Алюминий гидроксид” ва “Timerosal” каби сақловчи моддалар чақалоқнинг ўзи шундоқ ҳам зарарланган миясида тўпланади. (“Конвулсиялар”, “Отизм” ва “Эмлаш” бўлимларига қаранг.)

**“Цезар амалиёти”**

Бугунги кунда хомилдорлик пайти юзга келадиган қуйидаги кичик “хатарлар” “Цезар амалиёти”ни ўтказиш учун баҳона бўлмоқда:

Эгизак чақалоқлар: анъанавий йўллар билан хомиладор бўлган аёллар учун эгизак чақалоқларни туғиш билан битта чақалоқни туғиш ўртасида фарқ йўқ. Хомиллада уч ёки тўрт чақалоқ бўлса ҳам, чақалоқлар тартиб билан, бирин-кетин, кейингиси одингисга қараганда осон туғилаверади.

Фақат хомиладор аёлга сунъий



тўлғоқ бермаслик, уни турли тиббий жиҳозларга боғламаслик керак. Чунки бу ишловлар натижасида юзга келадиган кучли кимёвий ёки биоэлектрик тўлқинлар чақалоқларни ва бачадонни нотўғри ҳаракатланишга мажбур қилади. Чақалоқда юрак уришларининг тезлашиши ёки секинлашиши: юрак уришларининг ўзгариши юқорида айтилганидек сунъий тўлғоқ таъсирида, турли хил кўрқишлар ёки онанинг атроф-муҳитдан таъсирланиши натижасида рўй бериши умкин. Масалан, бачадондаги чақалоқ атроф-муҳитдаги инсонларнинг ҳақиқий азуни кўриб, кўрқиши мумкин. Бу ҳолатда “О” ва “В” қон гуруҳларига мансуб бўлган чақалоқларнинг юрак уришлари тезлашади; “А” қон гуруҳига мансуб бўлганларнинг юрак уришлари секинлашади; “АВ” қон гуруҳлари мансубларники бундай кўрқувдан бошқача таъсирланиши мумкин.

Илк туғишнинг “Цезар амалиёти” воситасида бўлиши: статистик маълумотларга кўра, бу илк жарроҳлик амалиётидан кейинги нормал туғишда ҳам айни даражада бачадон йиртилиши хавфи мавжуд бўлади.

Бачадоннинг йиртилиши тикиши билан эмас, берилган сунъий тўлғоқ билан боғлиқдир. Бир, икки ҳатто уч жарроҳлик амалиётидан кейин ҳам нормал тарзда туғиш мумкин. Фақат хомилдорликка ва туғишга тайёрланиш керак, сунъий тўлғоқни рад қилиш керак. (“Хомилдорлик ва туғишга тайёрланиш” бўлимига қаранг.)

Ҳомила боғининг чақалоқ бўйнига ўралиши: бу ҳам нормал туғишга тўсқинлик эмас. Ҳомила боғи эластик (чўзилувчан ва букилувчан) бўлиб, зарурат туғилса, уни кўл билан чақалоқнинг бўйнидан секин ечиб олиш мумкин.

Чақалоқнинг бачадонда бошқача бир алфозда (ҳолатда) жойлашиши: эскидан чақалоқ оёқлари билан келса ҳам барча доялар туғишни осон яқунлашарди. Аммо “Цезар амалиёти”га ўрганиб қолган мутахассилар бундай тажрибага эга эмаслар.

Бачадонда чақалоқнинг турли алфозларда жойлашиши онанинг соғлиги билан боғлиқ. Чақалоқ онасининг касал азосидан бошини узокроқ тутишга ҳаракат қилади. Бироқ бундай ҳолатларда туғиш пайтида “Иншиқок” сураси ўқилса, бу суроадаги сажда ҳақидаги оят билан Аллоҳ Таъолодан сажда қилиш буйруғини олган чақалоқ бачадонда тесқари ҳолатда бўлса ҳам, ўз алфозини ўзгартириб, сажда алфозига ўтади. Хомилдорлик пайти “Иншиқок” сурасини ёдлаган ва туғиш пайти бу сураини ўқиган аёллар ҳам, уларнинг қорнидаги чақалоқ ҳам ҳеч нарсадан кўркмайди.

Афсуски, “Цезар амалиётлари” бўйича Туркия бошқа давлатларни анча ортда қолдириб кетган. Туркияда ҳар икки аёлдан бири бу чақалоғи ана шу йўл билан туғдирилмоқда (олинмоқда), аммо бу фожиа ҳеч кимни ташвишлантirmаяпти.

Қардан келиб, қаерга кетаётганимизни

унутган бу замонда инсонларнинг ҳам туғиш каби ўта муҳим воқеага эътибори ва ҳурмати қолмаган.

Уйига ёки меҳнат таътилига чиқишга шошилиб, “уйга, таътилга кетишимдан олдин шу аёлни туғдириб олай, таътилимга тўсқинлик бўлмасин”, дейдиган гинеколог ва “Цезар амалиёти”ни нормал туғиш деб ҳисоблайдиган аёлларни бугун Туркиянинг ҳамма ерида учратиш мумкин.

Аммо эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган бир статистик маълумот борки, у инсонни дахшатга солади. Охириги тадқиқотларга кўра, илк туғишда “Цезар амалиёти” билан туғдирилган (олинган) чақалоқларнинг ҳаммасида гиперактивлик (гиперфаоллик, ҳаддан ташқари фаоллик) мавжудлиги, ҳар икки чақалоқнинг бири 40 ёшдан кейин шизофренияга дучор бўлиши аниқланган. Баъзи тадқиқотларда бу рақам 70%ни ташкил қилади!

“Цезар амалиёти” билан дунёга келган иккинчи ва учинчи чақалоқнинг аҳоли ҳам ваҳималидир (“Конвулсиялар”, “Отизм” ва “Гиперфаоллик” бўлимларига қаранг.). Европа ва АҚШ каби ривожланган мамлакатларда “Цезар амалиёти” бирор бир танлов эмас. Бу мамлакатларнинг шифокорлари хомиладор аёлларда тўлғоқ бошлангандан кейин 3-4 кун давомида нормал туғишни кутадилар. Туғдиришни шифокорлар эмас, доялар амалга оширадидилар. “Цезар амалиёти” эса ўта зарур ҳолатларда, энг охириги чора сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, хомиладор аёл табиий тўлғоқлар бошлангандан кейин “Цезар амалиёти”га ўтказилади.

Бу мамлакатларда Цезар амалиётларининг тахминан 90%да туғаётган аёлларга умумий анестезия эмас, эпидурал анестезия қўлланилади. Эпидурал анестезия она ва чақалоқнинг миясига умумий анестезияга қараганда анча кам зарар етказилади.

Бир турк гинекологи Америкада тўлғоқ бошланиб, касалхонага олиб кетилади, у ерда у дояларнинг назорати остида табиий равишда туғишни кутиб ётади. Кутиш муддати чўзилиб кетавергач, у доядан туғишни тезлаштиришни сўрайди. Аммо доя унинг илтимосини рад этиб, “кутинг”, дейди. Вақти-вақти билан келиб, аёлни кўздан кечириб кетадиган доя, ҳеч қандай амалий чоралар кўрмайди.

Шундай қилиб, турк гинекологи 4 кун кутган ва шундан сўнг нормал тарзда туққан. Ана шу турк гинекологи бу ҳақда шундай дейди: “Агар Туркияда бўлганимда бунчалик узок муддат тўлғоқларга чидай олмадим, яқинларим ҳам менинг қийналишимга рози бўлишмасди, доктор дўстларим ҳам бунчалик кўп кутишимга руҳсат бермасдилар ва туғишни тезлаштириш чораларини кўришарди”.

**ОЙДИН СОЛИХ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларини фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**